ТошДТУ 2 – сон академик лицейи ўқувчи қизлари билан "Орзу ва мақсад" мавзусида ўтказилган давра сухбати баёни.

16 декабрь 2025 йил.

Қатнашдилар: Академик лицей психологи Х.Х.Агзамова, бошланғич хотин-қизлар кенгаши раиси М.М.Абдуазимова, академик лицей 2 – босқич ўқувчи қизлари.

Ташриф буюрган меҳмонлар: ТошДТУ ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш маркази хоти-қизлар психологи Гулрух Мураджановна Соибназарова, ТошДТУ психологи Гулойим Султонмуродовна Джуманова.

Тадбирни академик лицей психологи Х.Х.Агзамова кириш сўзи билан очиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

- Азиз ўқувчилар, маълумки жамиятимизда аёллар ўрни ва уларнинг фаолиятига давлатимиз катта эътибор билан қаоайди. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларнинг тарбиясига, камолотига биз устозлар масъулмиз. Сизлар билан навбатдаги сухбатимизга меҳмонларни таклиф қилганмиз. Мархамат улар билан танишинг:
  ТошДТУ ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш маркази хоти-қизлар психологи Гулрух Мураджановна, Соибназарова, ТошДТУ психологи Гулойим Султонмуродовна Джуманова. Мамнуният билан сўзни уларга берамиз.



Сўзга чиққан ТошДТУ ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш маркази хотин-қизлар психологи Гулрух Мураджановна қизларга қуйидагиларни гапириб ўтди:

- Ўқувчи-қизлар тарбияси барча учун масъулиятли вазифа ҳисобланади. Сабаби аёллар таълим –тарбияси келажакимизни белгилайди. Энг биринчи навбатда соғлом турмуш тарзини танлаш ва унга риоя қилиш зарур. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, буни инкор этиб бўлмайди. Шунингдек, зарарли одатларга ўрганмаслик, улардан иложи борича уларга одатланмасликка ҳаракат қилиш зарур. Булар қаторида оила мухитини яхшилаш ҳам асосан аёллар зиммасида эканлигини унутмаслигимиз керак. Ота –оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада бўлиши ҳам аёлларга жуда катта боғлиқ. Маълумки қадимдан оилада аёллар

Сканировано с CamScanner

қизларга отага меҳр-оқибатли бўлишни ўргатиш орқали эркакка нисбатан муносабатни шакллантиришган, оталар эса ўғил фарзандга онани авайлашни ўргатиш орқали келажакда аёлларга меҳрли бўлишни ўргатишган. Бу ҳолатлар менталитетимзга хос бўлган тарбия ҳисобланади.

ТошДТУ психологи Гулойим Султонмуродовна Джуманова сўзга чиқиб таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчи қизларга яратилган шарт-шароитлар тўғрисида гапириб ўтди ва қуйидагиларни таъкидлади:

- Ўқувчи қизларни келажакка тайёрлашда уларга хар томонлама мотивация бериш бизнинг вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Азиз ўқувчилар сиз танлаган касб учун нималарни билишингиз керак ва қандай сифатларни ўзлаштириш зарурлигини биласизми? Албатта хар бир касбнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, жумладан, тиббиёт соҳасидаги инсон бошқаларга нисбатан совуққон бўлиши, камтар ва босиқ бўлишга ўрганиши керак. Чунки инсон саломатлигига жавобгарлигини унутмаслиги керак. Албатта келажакда яхши мутахассис бўлиш учун курашиш, ўз устида яхши ишлаш, кўпроқ билим олишга ҳаракат қилиш зарур.



Сухбат давомида мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди. Сухбат якунида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Нотиқлар хар бир саволларга атрофлича жавоблар бердилар.

Сухбат якунида академик лицей бошланғич хотин-қизлар кенгаши раиси М.М.Абдуазимова ташриф буюрган меҳмонларга академик лицей маъмурияти номидан минатдорчилик билдирди.

ТошДТУ ижтимоий психологик ёрдам кўрсатиш маркази хоти-қизлар психологи: Г.М. Соибназарова

ТошДТУ психологи: Г.С.Джуманова

Тадбирни баёнлаштирувчи: М.М.Абдуазимова.

Сканировано с CamScanner